



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2007 йил 16 октябрь, № 204 (4357) • Сешанба

ЎЗБЕКИСТОН ПАХТАКОРЛАРИ ВА БАРЧА МЕХНАТКАШЛАРИГА

Қадри дўстлар!
Бугун мамлакатимиз ҳаётида барчамизга мамнуният ва қувонч етказадиган ажойиб бир кун. Юртимиз пахтакорлари 3 миллион 600 минг тоннадан зиёд юксак хирмон бунёд этиб, катта меҳнат галабасини қўлга киритдилар. Том маънода улкан ва шарафли меҳнат натижаси бўлмиш мана шундай ютуқ билан сиз азизларни, бугун халқимизни бағримга босиб, чин қалбимдан самимий қўлайман ва муборакбод этаман.

Сизлар эришган бу муваффақият ўзбек деҳқони, ўзбек фермерининг бор қуч-ғайрати, азму шижоати ва қатъиятини мўл ҳосил етиштиришдек эзгу мақсадга бағишлаб, йил-ўн икки ой давомда ер билан тиллашиб, кунни тунга улаб, табиат қийинчиликларини мардона енгиб қилган фидокорона меҳнати, қўл йиллик таҳриба, ота-боболаримиздан қолган пахтакорлик касбининг сирини синоатидан оқилона фойдаланиш махсули эканини ҳаммамиз яхши англаймиз.

Шу билан бирга, эришилган бу беқиёс галаба замирида, авваламбор, бугунги кунда қишлоқ ҳўжалиги соҳасида узқичи қўзлаб амалга оширилаётган кенг қўламли туз ислохотларимизнинг ижобий самараси муҳасса десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Нега деганда, бу йилги улкан ҳосил Ўзбекистон тарихида биринчи марта 100 фоиз қишлоқ ҳўжалигида мулкчиликнинг мутлақ янги шакли бўлмиш хусусий фермер ҳўжаликлари томонидан яратилди.

Бу йил пахтачиликда қўлга киритган натижа ва марраларимиз ўзининг юксак кўрсаткичлари, биринчи галда, меҳнат унумдорлиги ва ҳосилдорлик даражасининг ўтган йилларга қараганда юқорилиги билан ажралиб туради.

Мамлакатимиз бўйича ҳосилдорлик гектарига ўртача қарийб 26 центнерни ташкил этиб, етиштирилган ҳосилнинг ўтган йилги 74 фоиз ўрнига 86 фоизи биринчи навларга топширилгани мисолида ҳам бунинг ақоли қўриш мумкин.

Пахтачиликда сўнгги йилларда эришяётган бундай ютуқларимиз ҳақида гапирганда, аввало, халқимизга азалдан мансуб бўлган омилдорлик, ишинг кўзини билиб меҳнат қилиш, ўз ери, ўз юртига меҳр қўйиб, эртанги кунга ишон билан яшаш тўғриси, ҳаётга фаол муносабатини кучайиб бораётганини, мухтасар айтганда, одамларнинг онгу таваққурида юз бераётган муҳим ўзгаришларни алоҳида таъкидлаш жоиз.

Табиийки, мамлакатимизда аграр соҳани ривожлантириш, деҳқонларимизнинг машаққатли ва олижаноб меҳнатини муносиб қадрлаш ва ҳар томонлама рағбатлантириш, уларнинг ерга, мулкка, ўзи етиштирган маҳсулотга эгаллик қилиш, моддий манфаатдорлик ва масъулият ҳиссини мустаҳкамлаш йўлида амалга оширяётган катта ишларимиз ҳам бу борада ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда.

Шу билан бирга, пахтачилик соҳасида истиқболли, серҳосил ва эртапшир навлар яратиш, уларни ҳар қайси ҳудуднинг иқлим ва туپроқ шароитини ҳисобга олган ҳолда жойлаштириш, замонавий илгор технологияларни жорий қилиш, қишлоқ ҳўжалигининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, хусусан, фермер ҳўжаликларининг молиявий ресурслар, янги техникалар, минерал ўғит ва зарур воситалар билан таъминлаш, ҳосилни турли зараркунандалардан ҳимоя қилиш, теримни уюшқоқлик билан ташкил этиш каби ўша муҳим чора-тадбирларнинг ўз вақтида ва самарали бажарилгани ҳам бу галабага эришишда асосий омил бўлганини қайд этиш лозим.

Мамлакатимизнинг юксак пахта хирмонига ўзининг салмоқли улушини қўшган, шартнома режасини биринчилар қаторида адо этиб, барчага ўрнак бўлган Қорақалпоғистон Республикаси, Самарқанд, Қашқадарё ва Бухоро, Андижон ва Сурхондарё, Жizzзах вилоятлари пахтакорларининг меҳнат жасорати, айниқса, таҳсинга сазовордир. Қолган вилоятлар ҳам ўз маҳбурятларини бажариш арафасида турганини мамнуният билан айтиш зарур.

Ҳар гектар ердан ўртача 30-35 центнердан ошириб ҳосил олган Амурдарё ва Нарпай, Денов ва Сарийосиё, Шўрчи ва Пахтабод, Вобкент ва

Пахтакор, Косон ва Қарши ҳамда бошқа қатор туманлардаги қўзлаб фермер ҳўжаликлари бу кўрсаткични 50-55 центнерга етказгани ҳам мард ва фидойи деҳқонларимизнинг қандай буюк марраларни эгаллашга қодир эканининг яна бир амалий тасдиғидир.

Ана шундай интилиш ва саъй-ҳаракатларимиз туфайли бугунги кунда Ўзбек пахтаси ўзининг юқори сифати ва рақобатбардошлиги билан жаҳон бозорига мустаҳкам ва муносиб жой эгалламоқда. Пахта толаси савдоси билан шуғулланадиган йирик хорижий компанияларнинг уч йилдан буюн Тошкент шаҳрида ўтказилаётган халқаро пахта ярмаркасида фаол қатнашиб келётгани ва бу борада эришилаётган амалий натижалар шундан далolat беради.

Бугунги хурсандчилик дамларида барчамизни мана шундай ёруғ кунларга етказиб, эл-юртимизни ўз паноҳида асраб, марҳаматини аямасдан, ҳаммизга йўлимизни очиб бераётган Оллоҳ таолога шўкроналар айтишимиз ҳам қарз, ҳам фарз, деб биламан.

Сиз, азизларни мана шундай меҳнат зафарларингиз билан табриклаш асносида мен ерга қўз тикиб яшайдиган минг-минглаб, балки миллионлаб инсонларни, уларнинг ўз пешона тери, ҳалол меҳнатидан даромад топиб, шунинг ҳисобидан оила тебратиш, фарзандларини уй-жойли қилиш ҳақидаги орзу-ниятларини ўзимга доимо яққол тасаввур қиламан. Ҳеч муболагасиз, бугун омилдорларимиз мўл ҳосилга, қўнғилларимиз шодликка тўлган мана шу қўтлуғ кунни барча деҳқонларимиз ўз муродига етган кун, деб аташ мумкин.

Айни пайтда, бу муҳим галаба санатимизнинг қайта ишлаш соҳаларини қимматбахо хом ашё бўлиб таъминлаш, мамлакатимизнинг бойлигига бойлик қўшиш, шу тариха Ватанимизнинг иқтисодий қудратини юксалтиришга хизмат қилиш муҳарраб.

Шу фурсатдан фойдаланиб, мўл ҳосил етиштириш билан бирга, аҳоли турмуш даражасини ошириш, таълим ва соғлиқни сақлаш муҳасса-ларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, иқтисодий масалаларни ечиш, жамиятимизда меҳр-оқибат ва саховат тўғйуларини кучайтиришдек олижаноб ишларга фаол иштирок этиб келаяётган фермерларимизга ўз номидан, халқимиз номидан чўқур миннатдорчилик билдираман ва уларнинг меҳнатини юксак қадрлайман.

Иқтисодиётимизда ҳал қилувчи ўрин тутадиган қишлоқ ҳўжалигида меҳнат унумдорлиги ва унинг самарадорлигини ошириш негизда ушбу соҳани замонавий босқинга қўтариш биз учун устувор вазифа бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.

Айниқса, кўп йиллардан буюн деҳқонларимизни қўйиб келаяётган энг мураккаб ва долзарб муаммо бўлмиш ерларнинг мелiorация ҳолатини яхшилаш, жуда катта маблаг ва моддий ресурсларни талаб қиладиган бу масалами тўғйида янги йилда давлатимиз ва ҳўкуматимизнинг асосий эътибор марказида бўлишини таъкидлаб айта қоғиман.

Бизнинг аграр соҳадаги дастур ва режаларимиздан алоҳида ўрин олган бундай амалий мақсадлар яқин келгусида ўзининг ҳосили ва мевасини беради, иншоолда. Шахсан мен қишлоқ ҳўжалигини юксалтириш, шу заминда яшаётган одамларнинг ҳаётини фаровон, оғирини енгил қилишни ўз фаолиятимнинг асосий мазмуни, деб биламан ва бу масалани Ватанимизнинг нафрат қўнғунга, балки эртанги тақдирини билан чамбарчас боғлиқ ҳолда кўраман.

Азиз дўстларим, биродарларим!
Сизларни, бугун Ўзбекистон аҳлини бугунги катта галаба билан яна бир бор қўтлар эканман, барчангизга сийҳат-саломатлик, бахт ва омад, хонадонларингизга тинчлик-ошойишталик ва файзу барака тилайман.

Хорманг, ҳеч қачон кам бўлмагн, қадрдонларим!
Ҳалол меҳнатингизнинг роҳатини кўринг, доимо омон бўлинг!

ИслоМ ҚАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

ДЕҲҚОНЛАРИМИЗ ЎЗ МУРОДИГА ЕТГАН КУН

Офарин!



Жорий йилда мамлакатимиз пахтакорларининг фидокорона меҳнатлари эвазига 3 миллион 600 минг тоннадан ортиқ улкан хирмон яратилди. Давлатга пахта сотиш бўйича шартнома режаси қисқа муддатларда шараф билан бажарилди.

Республикамиз Президенти ИслоМ Қаримовнинг қишлоқ ҳўжалигини тубдан ислоқ қилишга қаратилган фармонлари ва қарорлари ижроси, ҳўкуматимиз томонидан бу соҳага берилган молиявий ёрдам ва ен-

гилликлар, иқтисодий имтиёзлар, фан ва техника ютуқлари ҳамда илгор технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш каби бир қатор омиллар муваффақиятлар гарови бўлди. Бу омиллар нимагадир иборат?

Биринчи омил бу — Президентимиз томонидан устувор вазифа этиб белгиланган фермерлик ҳаракатининг самараси. Юртбошимиз раҳнамолиги ва ташаббуси билан иқтисодий зарар қўриб ишлаётган, паст

рентабелли, истиқболсиз ширкат ҳўжаликлари негизда фермер ҳўжаликларини ташкил этиш борасида босқинча-босқинча амалга оширилган ислохотлар ҳаётида ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Ер

фермерларга танлов асосида ажратилиши, уларга яратилган имкониятлар, имтиёзлар ва енгилликлар ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар саломатининг йилдан-йилга қўлайлашига, заминга ва ўзи етиштирган неъматга эгаллик ҳиссининг ошишига олиб келди. Айтайлик, 2001 йилда фермер ҳўжаликлари бор-йўғи 333,9 минг гектар майдонда пахта етиштирган бўлса, жорий йилга келиб, улар томонидан 1440 минг гектар ерда ёки 100 фоиз майдонда гўза парвариш қилинди.

Иккинчи омил — қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларга хизмат кўрсатиш тизимининг тўлиқ шаклланиши ва моддий-техник базасининг яхшиланганлиги. Аввало, фермерлар учун хизмат кўрсатадиган инфратузилма шохобчалари бевосита улар учун яқин ва қулай ҳудудларда тузилди, ёниги-мойлаш материаллари, минерал ўғитлар белгиланган меъёр ва муддатда дала-ларга етказиб берилди. Иккинчидан, уларнинг моддий-техник базасини янгилаш ва мустаҳкамлаш борасида мўайян ишлар амалга оширилмоқда. Ҳўлладан, жорий йилнинг ўзига 1067 та чоғил ва транспорт трактори, салкам 458 та трактор тиржамаси, 926 тадан ортиқ культиватор, 760 та яқин чигит экиш севякчаси, 549 чигит экиш турли хил пуржалар, 100 та "МХ" русумли трактор, қарийб 261 та "ВТ-150" ва "Т-4" заңжирли ҳайдов трактори билан таъминланди. Уларнинг асосий қисми лизинг асосида харид қилинди.

(Давоми 2-бетда).

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

15 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Уни Марказий сайлов комиссияси раиси Мирзоулғбек Абдусаломов бошқарди.

Марказий сайлов комиссияси томонидан «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонуннинг 14, 24-моддаларига мувофиқ «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этишга ижозат берилган сиёсий партиялар ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг рўйхатини тасдиқлаш ҳақида

сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг рўйхатини тасдиқлаш ҳақида»ги қарор қабул қилинди.

Мажлисида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ваколатларига кирувчи бошқа айрим масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Шу кун Марказий сайлов комиссиясининг матбуот марказида мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситаларини вакиллари учун брифинг ўтказилди. Марказий сайлов комиссияси раиси М. Абдусаломов

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНING ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этишга ижозат берилган сиёсий партиялар ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг рўйхатини тасдиқлаш ҳақида

«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 14, 24-моддаларига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси

ҚАРО ҚИЛАДИ:
1. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этишга ижозат берилган сиёсий партиялар ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг рўйхати марказий матбуотда эълон қилинсин.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этишга ижозат берилган сиёсий партиялар ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг рўйхати марказий матбуотда эълон қилинсин.

Марказий сайлов комиссияси раиси
Тошкент шаҳри,
2007 йил 15 октябрь

М. АБДУСАЛОМОВ

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарорига илова

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИДА ИШТИРОК ЭТИШГА ИЖОЗАТ БЕРИЛГАН СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ВА САЙЛОВЧИЛАР ТАШАББУСКОР ГУРУҲЛАРИНИНГ РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси.
2. Ўзбекистон Фидокорлар мийлий демократик партияси.
3. Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси.
4. Ўзбекистон Халқ демократик партияси.
5. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига Ақмал Холматович Саидовни номзад этиб кўрсатиш бўйича 2007 йил 5 октябрда Тошкент шаҳрида тузилган сайловчилар ташаббускор гуруҳи.

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти ИслоМ Қаримов Жаноби Олийларига

Муборак Рамазон ҳайити муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига Тунис халқи, ҳўкумати ва шахсан ўз номидан самимий табрик ва эзгу тилакларимни йўллашдан беҳад мамнунман. Ушбу саодатли айёмда Яратган Аллоҳдан Сизга сийҳат-саломатлик, ислом умматига хайр-барока, равнақ ва фаровонлик ато этишини сураб қоламан. Қамолли эҳтиром ила, Биродарингиз,

Зайн ал-Обидин бин АЛИ,
Тунис Республикаси Президенти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ИслоМ Қаримов Жаноби Олийларига

Барча мусулмонлар муборак Рамазон ҳайити байрамини нишонлаётган ушбу саодатли кунларда Сизга самимий табрик ва эзгу тилакларимни йўллашдан бахтиёрман. Аллоҳ таолодан Сизга мустаҳкам соғлиқ ва бахт-саодат, Ўзбекистон халқи ва мусулмон умматига барака ва фаровонлик ато этишини сурайман. Ҳайитингиз қутлуғ бўлсин!

Али Абдуллоҳ СОЛИҲ,
Яман Республикаси Президенти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ИслоМ Қаримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,
Қутлуғ Йилд ал-Фитр байрами муносабати билан Иордания Хошимийлар Олийлигига халқ ва ҳўкумати ҳамда ўз номидан Сиз, Жаноби Олийларига энг самимий табрикларимни йўллайман.

Сиз, Жаноби Олийларига мустаҳкам соғлиқ, дўст Ўзбекистон халқига бардавон тараққиёт ва фаровонлик тилаб қоламан.

Абдуллоҳ Бин ал-ҲУСАЙН,
Иордания Подшоҳи.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ИслоМ Қаримов Жаноби Олийларига

Ассалому алайкум,
Муборак ой шарофати билан мўмин-мусулмонлар ўртасидаги дўстлик ва меҳр-муҳаббат ришталари кенг қулоқ ёниб бориши ҳамда бугун дунёда тинчлик ва адолат тантана қилишининг гувоҳи бўламиз, дея умид қиламан.

Худованди қаримдан Сиз, Жаноби Олийларига муваффақиятлар, Ўзбекистоннинг буюк халқига эса бахт-саодат ва юксалтиш, шунингдек, барча мусулмонлар ва, умуман, жаҳон аҳлига шўқуҳ ва иззат-иқром тилаб қоламан.

Маҳмуд АҲМАДИНЕЖОД,
Эрон ИслоМ Республикаси Президенти.

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН ТАНЛАГАН ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ ЎЗИНИНГ ИЖОБИЙ НАТИЖАЛАРИНИ БЕРМОҚДА

Президент ИслоМ Қаримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маърузаси **жаҳоннинг турли мамлакатларидаги расмий, эксперт ва жамоат доиралари вакилларида ҳамон катта қизиқиш уйғотмоқда. Ўзбекистон давлати раҳбарининг мазкур маърузаси юзасидан мамлакатимизнинг чет эллардаги дипломатия ваколатхоналарига хорижий юрталар вакиллари томонидан юборилаётган кўп сонли шарҳлар ва фикр-мулоҳазалар бундан далolat бериб турибди.**

Италиянинг Осиев ва ўрта ер денгизи мамлакатлари институту Бош котиби, Италия — Ўзбекистон дўстлик ва ҳамкорлик ассоциацияси котиби Антонио Локенинг фикр билдиришича, мустақил ривожланишнинг 16 йиллик даври мубайнада Ўзбекистон эришган натижалар гоат ижобийдир. Республика қўлга киритган муваффақиятлар сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий соҳаларни қамраб олади.

«Бугун халқаро ҳамжамиятнинг кўна ва улғувор тарихига эга бўлган Ўзбекистонга нисбатан ҳўрмат-эътибори тобора ошиб бораётгани бежиз эмас, дейди А. Локе. Республика мустақил босқарув ва

Дунё нигоҳи

ни таъминлагани ҳолда ўзининг муносиб, эркин ва озад давлатини бунёд этмоқда. Халқнинг қонуларга ишончи, бозор иқтисодиёти, ижтимоий сиёсат, ислохотлардаги янгиликлар ва қатъийлик, шунингдек, «Янги ўй қурмай туриб, эскисини бузмаган» шiori асосидаги саъй-ҳаракатлар атрофида ўз келажига ишонч билан қарайдиган, ғурурли, фаол, масъулиятли янги халқ

(Давоми 2-бетда).

ЖАҲОН 24 соат ичида
Ҳарбийлар баёноти



АҚШ ҳарбийлари охиригача уч ой давомида Ироқдаги «Ал-Қоид»чиларга қаттиқ зарба берилгани ҳақида баёнот бердилар.

Америка ҳарбийлари бунинг исботи сифатида сўнгги вақтда мамлакатда террорчилик хуржи икки бараварга камайганини таъкидлашмоқда. Бундан ташқари, Ироққа четдан жангарилар кириб келиши ҳам сезиларли қисқарган.

Музокара давом этади

Расмий Приштин ва Белград вакиллари Косово масаласида Брюсселда музокаралар ўтказди. Бироқ учрашув натижасиз тугади. Шунга қарамай, томонлар шу йилнинг 22 октябрда яна музокаралар столи атрофида йиғилишга келишиб олишди.



Бош вазир яна айбланмоқда

Исроил Бош вазири Эхуд Ольмертга нисбатан ўз хизмат лавозимини суниётсизмол этганликда гумон қилиниб, иккита жиноий иш қўзғатилди. Хукуматнинг юридик масалалар бўйича маслаҳатчиси Мени Мазуз бу ҳақда кўрсатма берди. Ҳозирча Эхуд Ольмертга нисбатан айнан қандай айбловлар илгари сурилаётгани маълум эмас.

Каспий қандай бўлинади?

Кеча Эронда Каспий денгизи ҳавзасида жойлашган бешта мамлакат — Россия, Озарбойжон, Эрон, Қозғистон ва Туркменистон давлатлари раҳбарларининг икки кунлик саммити бошланди. Улар биргаликда нефть ва газга бой Каспий денгизини бўлиб олиш юзасидан музокаралар ўтказмоқда. 2002 йилда ҳам худди шу масалада саммит ташкил этилган, бироқ томонлар бирон-бир келишувга эриша олмагандилар.



Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

O'ZSANOATQURILISHBANK

Маълумки, ҳар қандай ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва ривожлантириш учун муайян сармоя жалб этишга тўғри келади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 12 июлдаги «Банкларнинг капиталлашувини янада ошириш ва иқтисодийни модернизациялашдаги инвестиция жараёнларида уларнинг иштирокини фаоллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қароридан тижорат банкларининг ўз капитални ҳисобидан янги замонавий ишлаб чиқаришлари ташкил қилиш ҳамда мавжуд корхоналарни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашдаги инвестиция жараёнларида кенг иштирок этиши, ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва аҳоли бандлигини оширишни таъминлаш банк тизимида ислохотларни ҳамда либераллаштиришни янада чуқурлаштиришнинг устувор йўналишларидан бири сифатида белгилаб берилди.

**МАҚСАД — ИСТИҚБОЛЛИ
ЛОЙИҲАЛАРНИ РЎЁБГА ЧИҚАРИШ**

Мамлакатимиздаги йирик универсал «Ўзсаноатқурилишбанк» иқтисодийнинг стратегик тармоқларига қарашли улкан салоҳиятга эга корхоналар, шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг инвестициявий лойиҳаларини молиялаштириш ва кредитлаш борасида бой тажрибага эга. Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг устувор инвестициявий лойиҳаларини, тадбиркорлик ташаббусларини ривожлантириш дастурларини кенг қўламда молиялаштиришга нафақат банкнинг ўз маблағлари, балки чет эл банкларининг жалб этилган кредит линиялари ҳам йўналтирилмоқда.

Кредитлаш, яъни лойиҳавий молиялаштириш банк ресурсларини жойлаштиришнинг бош йўналиши бўлиб, у миллий иқтисодийнинг ривожига ёрдам беради. Шу билан бирга, инвестициявий кредитлаш бозорининг энг мақбул бўлини — республикадаги йирик ва кредитга қобилиятли мижозларга эга бўлиш натижасида банкнинг мижозлар базасини шакллантириш ҳамда қўллаб-қувватлашнинг асосий омилларидан ҳисобланади.

«Ўзсаноатқурилишбанк» аънавий универсал банк бўлиб, иқтисодийнинг нефть, минерал хом ашё ресурсларини қазиб олиш ва ташиш, энергетика, авиасозлик, кимё, энгил саноат каби базавий тармоқларини мо-

лиялаштиради ва кредитлайди. Банк хизмат кўрсатаётган мижозлар халқ ҳўжалигининг ҳамма тармоқларини қамраб олган.

«Ўзсаноатқурилишбанк»нинг кредит сиёсати республикани иқтисодий ва ижтимоий тараққиётининг, иқтисодийнинг базавий тармоқларида кенг қўламдаги инвестициявий фаолиятни амалга оширишнинг йирик дастурларини молиялаштириш ва кредитлашга қаратилган. У ҳўжалик юритувчи субъектларни ҳам миллий, ҳам чет эл валютасида кредитлайди. Кредитлаш масаласини кўриб чиқиш жараёнида банк экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқаришга оид лойиҳаларга устуворлик бериб, асосий эътиборни маҳаллий хом ашёни қайта ишлаб, тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи лойиҳаларга қаратади. Натижада янги ва қўшимча иш ўринлари очилади.

Банкнинг ишлаб чиқаришни ташкил этиш, техник жиҳатдан қайта қурилантириш ва реконструкциялашга қаратилган аниқ секторни инвестициялаш фаолияти ҳақида «Жўрабек Лаборатория» кўшма корхонаси бош директори С. Қориев шундай дейди:

«Ўзсаноатқурилишбанк» корхонамизга инъекцион доридармонлар ишлаб чиқаришимиз учун 1,2 миллион АҚШ доллари миқдорда кредит берганди. Бу маблағ Европа Тиклиниш ва тараққиёт банкнинг кредит

линияси орқали ажратилди. Лойиҳага кўра, умумий инвестиция миқдори 1,9 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Аҳолининг нисбатан арзон ва сифатли дориларга бўлган эҳтиёжи ҳисобга олинган ҳолда жалб этилган бу кредит ички бозордаги талабни сезиларли даражада қондирибгина қолмай, балки валюта маблағларининг мамлакатдан чиқиб кетишини қамайтириш имконини ҳам берди.

Мавжуд ишлаб чиқаришни кенгайтириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар турини кўпайтириш, республиканинг экспорт салоҳиятини мустақамлаш мақсадида «Ўзсаноатқурилишбанк»дан 499,6 минг евро миқдорда янги кредит олингани эса «Жўрабек Лаборатория» кўшма корхонаси фаолиятини ривожлантиришнинг мантқиқий давоми бўлди. Ҳар икки лойиҳани амалга ошириш жараёнида 80 дан ортқ иш ўринлари очилди. Банк кредит ресурсларининг мақбул шартларда берилиши, замонавий технологиялардан оқилона фойдаланиш ҳисобига кредит шартномада белгиланган муддат — 6 йилда эмас, бор-йўғи 3 йилда қайтарилди.

«Антес» акциядорлик жамияти директори Т. Рўзиев ҳам «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг молиявий кўмагини маънун.

«Ўзсаноатқурилишбанк» бир йилда пахта толасидан 3 минг

тонна йирилган ип ва 5 миллион гагонметр хом сурп жалб чиқариш қувватига эга корхонамиз лойиҳасини молиялаштирди, — дейди у. — «Дойчебанк»дан 1,96 миллион АҚШ доллари миқдорда маблағ жалб этилди. Жами инвестиция ҳажми 2,4 миллион АҚШ долларидан ошди. Банкнинг чет эл валютасида тақдим этган кредити замонавий, юксак технологияли, рақобатбардош ишлаб чиқариш барпо этиш имконини берди. Ўтган ярим йилнинг ўзига жамиятимиз 2 миллион АҚШ доллари миқдорда юқори сифатли маҳсулотни экспорт қилди. Ҳозир корхонада беш юзга яқин киши меҳнат қилмоқда.

«Антес» жамоаси бу ютуқлар билан кифояланиб қолмай, мавжуд технологияларни янгилаб, ишлаб чиқариш суръати ва ҳажминини изчил ошириб бормоқда. Бу билан мамлакатга қатъий валюта оқимини қучайтиришга муносиб ҳисса қўшмоқда.

«Акмал Икром Бизнес» корхонаси директори Ш. Зокиров эса кредит ёрдамида юқори технологияли, экспортга мўлжалланган маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнини кенг шарҳлаб берди:

«Биз Австрия технологияси асосида ярим пропилен ип ишлаб чиқарадиган масъуляти чекланган жамиятни барпо этиш учун 2006 йилда «Ўзсаноатқурилишбанк»дан кредит олгандик. 1,25 миллион АҚШ долларилик бу маблағ гилам тўқиш саноати учун махсус тола ишлаб чиқаришни ташкил этишга йўналтирилди. Ушбу лойиҳанинг йиллик қуввати 2 минг тонна тола ишлаб чиқаришга

«Ўзсаноатқурилишбанк» кредитни Германиянинг «Дрезнербанк»и кредит линияси маблағлари ҳисобидан молиялаштириб берди. Чет эл инвестицияларининг жалб этилганлиги туфайли қирққа яқин иш ўриндан ташқари Ўзбекистонда гилам тўқиш тармоғининг янги имконият даражаси яратилди.

«Ўзсаноатқурилишбанк» кредити ёрдамида корхонамиз базасида илғор технологик ускуналардан фойдаланиладиган замонавий стоматология клиникасини ташкил этишга муваффақ бўлдик, — дейди «ChDS Vytas» шўба корхонаси директори А. Абдуллаев. — Маълумки, соғлом миллат — мамлакат гуллаб-яшнашининг асосий омил. Шундай экан, чет эл инвестицияларини жалб этиш юртимизда соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширилаётган сиёсатнинг устувор йўналишларидан биридир. Таъкидлаш жоизки, «Ўзсаноатқурилишбанк» томонидан Европа Тиклиниш ва тараққиёт банки кредит линияси бўйича жалб этилган 54,7 минг АҚШ доллари миқдордаги кредит туфайлигина бу лойиҳани амалга оширишга эришилди. Натижада йиғирмага яқин янги иш ўринлари яратилди. Пойтахт аҳолисига энг юксак даражада кенг қўламли хизмат кўрсатиш йўлга қўйилди.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Шунингдек, кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш ҳам банкнинг изчил ва устувор йўналишларидан бирига айланмоқда.

Давр тақозоси туфайли бугунги кунда республикаимиз жаҳон иқтисодий ҳамжамияти билан тобора ишончли тарзда интеграциялашмоқда. Шу боис стратегик шерик ҳамда инвесторларни жалб этиш муҳим аҳамият касб этаётир. Ўз навбатида «Ўзсаноатқурилишбанк» халқаро молиявий институтлар билан ўзаро фойдаланиш музокараларини фаол йўлга қўймоқда, иқтисодийнинг аниқ секторларини модернизациялаш ва янги ишлаб чиқаришларни барпо этишга катта ҳисса қўшмоқда.

Р. АҲМЕДОВ. 1

ТЕНДЕР МУДДАТИ УЗАЙТИРИЛИШИ ТЎҒРИСИДА ЭЪЛОН

ДАВЛАТ МУЛКИНИ ХОРИЖИЙ ИНВЕТОРЛАРГА СОТИШ БЎЙИЧА ТЕНДЕР САВДОЛАРИНИ ЎТКАЗУВЧИ ДАВЛАТ КОМИССИЯСИ

қуйидаги эълон қилинган тендерлар бўйича тендер таклифларини қабул қилиш муддати 2007 йил 12 ноябрда узайтирилганлигини маълум қилади:

- «Марказий» (собиқ «Sheraton») меҳмонхона мажмуаси, бошланғич баҳоси — **40 183 300** (қирқ миллион бир юз саксон уч минг уч юз) АҚШ доллари ҳамда инвестор томонидан меҳмонхонанинг қарздорлигига йўналтириладиган инвестицион мажбуриятлари **25 292 400** (йигирма беш миллион икки юз тўқсон икки минг тўрт юз) АҚШ долларини ташкил этади;
- «Ўзвагонтаъмир» ОАЖнинг 90% акциялар пакетини **5 953 000** (беш миллион тўққиз юз эллик уч минг) АҚШ долларида кам бўлмаган бошланғич нарх бўйича ва корхонанинг инвестиция мажбуриятлари **8 546 500** (саккиз миллион беш юз қирқ олти минг беш юз) АҚШ долларини ташкил этади.

Юқорида келтирилган акциялар пакетларига энг юқори нархни таклиф этган ва инвестицион мажбуриятларнинг энг юқори ҳажминини ўз зиммасига олишга тайёр бўлган компания устунликка эга бўлади.

Тендерда иштирок этиш истаги бўлган сармоядорлар тендерда иштирок этиш аризасини ҳамда махфийликни сақлаш тўғрисидаги билдиришномани тегишли тарзда тўлдириб ва имзолаб топширишлари лозим. Ушбу ҳолда информатсион меморандум, тендерни ўтказиш қоидалари ва тендер таклифи шаклини ўз ичига олган тендер ҳужжатлари, уларга тўлов амалга оширилганидан кейин ҳамда Якка хусусийлаштириш лойиҳаларини амалга ошириш бюросига тўлдирилган ва имзоланган ариза ҳамда махфийликни сақлаш тўғрисида билдиришнома билан биргаликда тўлов амалга оширилганлигини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси тақдим этилганидан сўнг олиниши мумкин.

Тендер ҳужжатларининг нархи 2 000 (икки минг) АҚШ долларини ташкил этади. Ушбу тўлов қуйидаги банк ҳисоб рақамларига ўтказилиши лозим:

- валюта ҳисоб рақами 20 203 840 500 600 289 001;
- ҳисоб рақами 20 203 000 600 600 289 001

«Ипак йўли» акционерлик-инновация тижорат банкнинг амалиёт бўлими бошқармаси, 100135, Тошкент шаҳри, Фарҳод кўчаси, 12-«А» уй. ИНН 201122696, МФО 00444, S.W.I.F.T. коди — INIPUZ22.

Илгари тендерда қатнашган ва тендер таклифини тақдим этган инвесторлар ўз таклифларини кучда қолдириш ёки янги таклифларни ҳеч қандай қўшимча тўловсиз қуйида келтирилган муддатгача тақдим этиш имкониятига эгалар.

Тендер таклифларини қабул қилиш муддати **2007 йил 12 ноябрда** Тошкент вақти билан соат **12.00 да тугайди.**

Тендер таклифларини очиш **2007 йил 12 ноябрда** Тошкент вақти билан соат **15.00 да** Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг мажлислар залида (5-қават) бўлиб ўтади.

Тендер таклифларини ўрнатилган тартибда тақдим этган тендер қатнашчилари ёки уларнинг ишончли вакиллари тендер таклифларини очиш маросимида қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар.

Тендер ўтказилиши билан боғлиқ бўлган барча масалалар юзасидан қуйидаги манзил бўйича муурожаат этишини сўраймиз:

Давлат мулки қўмитаси ишчи органи:

Бош директор Фозилжонов Эркинжон Собиржон ўғли эътиборига.

Телефон: +998 (71) 139-22-51. Факс: +998 (71) 139-22-79. Эл. почта: ccpbuz@tps.uz

NOTIFICATION ON PROLONGATION OF TENDER DEADLINE

STATE COMMISSION FOR CONDUCTING TENDERS ON THE SALE OF THE STATE PROPERTY TO THE FOREIGN INVESTORS

hereby announces the prolongation of the deadline for receiving Bids till **November 12, 2007** of the previously announced tenders for sale of:

- Hotel Complex «Markaziy» (former «SHERATON» Hotel). Starting bidding price for the Complex is **40 183 300** (forty million one hundred eighty three thousand three hundred) US Dollars. The volume of investment obligation is **25 292 400** (twenty five million two hundred ninety two thousand four hundred) US Dollars;
- **90% shares packages of JSC «UZVAGONTAMIR»** with starting bidding price not less than **5 953 000** (five million nine hundred fifty three thousand) US Dollars and investments obligations **8 546 500** (eight million five hundred forty six thousand five hundred) US Dollars.

The preference will be given to the tender participant ready to offer the highest bid for the abovementioned shares of the Companies and undertake the highest amount of investment obligations based on investment requirements of the enterprises.

Investors interested in participating in the Tender must first submit a properly completed Application for participation and Confidentiality Statement. In that case the Tender Documentation package including Information Memorandum, Tender Rules, Bid Form can be obtained upon presenting to Case by Case Privatization Bureau the filled in and signed Application and Confidentiality Statement along with the copy of the document confirming the payment effected.

The price of the package of bidding documents constitutes USD 2 000 (two thousand), which are to be transferred to the account stated below.

Foreign currency account number: №20 203 840 500 600 289 001 or Current account number: № 20 203 000 600 600 289 001 in the JSC Innovational-commercial Bank «Ipak-Yoli», TIN: 201122696, bank code 00444, 12-A, Farhadskaya str., 100135, Tashkent.S.W.I.F.T. code: INIPUZ22

The investors that have participated in the tender and have submitted their Bids earlier have the right to keep their Bids in force or to submit new ones instead without any additional payment before the deadlines indicated below.

The Bid submission deadline expires at **12 a.m.** Tashkent time on **November 12, 2007.**

Opening of the packages with Tender Bids will be held in the Meeting Hall of the State Property Committee of the Republic of Uzbekistan (**5th floor**) at **3 p.m.** Tashkent time on **November 12, 2007.**

Tender participants or their authorized representatives, which have submitted Tender Bids in accordance with established procedure, have the right to participate at the opening of the packages with Tender Bids.

For all issues related to the tender, please contact:

CCPB, Case-by-Case Privatization Bureau State Property Committee Bldg., 17th Floor 55, Uzbekistan Ave., 100003 Tashkent, Uzbekistan

Attention: Mr. Erkinjon S. Foziljonov Director General Telephone: +998 (71) 139 22 51 Fax: +998 (71) 139 22 79 E-mail: ccpbuz@tps.uz

Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport

Полвонларимиз бўш келишмади

9-15 октябрь кунлари Уфа (Россия) шаҳрида белбоғли кураш бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида ўзбекистонлик полвонлар 1 та оltин, 4 та кумуш ва 7 та бронза медалини қўлга киритиб, 57 мамлакат вакиллари орасида фахрли иккинчи ўринни эгаллашди.

Жумладан, белбоғли кураш ва сирим кураши бўйича қатнашган Ўзбекистон терма жамоаси вакилларидан классик йўналишда Зоҳиджон Ортиқов (81кг.) олтин, Қодир Умрақов (66 кг.), Шўхрат Бозоров (+100 кг.) кумуш, Нуриддин Маҳаматов (90 кг.) Темура Шокиржонов (100 кг.) бронза медалларига сазовор бўлдилар.

Эркин йўналишда эса Шавкат Омонуллоев (+100 кг.) кумуш, Фарход Тураев (81кг.), Зоҳид Жумақуллов (90 кг.) ва Чингиз Бойматов (100кг.) бронза медаллари билан юртимизга қайтадиган бўлишди.

Кўчаларимиздан Уялизо Латипова (58 кг.)га кумуш, Насиба Бекмуродова (66 кг.) ҳамда Сабохат Шералиева (+66 кг.) га эса бронза медаллари nasib этди.

Ж. ЗИЁДОВ.



Одатда, бешикда ётган чақалоқ хархаша қилиб йиғлагудай бўлса, ҳар хил қўғирчоқларни кўрсатиб овутишади. Ечиб олишганидан кейин ҳам ўша қўғирчоқларни турли макомга солиб, қиқир-қиқир қулдиришади. Эркин ака хонадонида қўғирчоқлар ўзини шахмат доналари эгаллаган. Гудак бешикка осилган доналарга ажабсиниб қараганича уйкуга кетади. Уйгонганида ҳам ўша доналар билан андармон бўлиб овунади.

«БИЗДА ШАХМАТ ЎЙИНИ БОЛАЛИКДАН БОШЛАНАДИ»

— дейди Пахтабод туманида истиқомат қилувчи Эркинбой Каримов уч ёшли чевараси Ироданинг шахмат тахтасига тошларни беҳато териб, дадил юришлар қилишини кузатар экан.

Танглай шахмат тахтаси билан кўтарилиб, «пийда», «рух», «фил», «фарзин»лар орасида улғайган болакайлар бугун бутун бошли ҳовлини тўлдирди. Беш ўғил, тўрт нафар қизнинг ҳаммаси олий маълумотли ва барчаси шахмат устаси.

Бир вақтлар шахмат тождори, халқаро гроссмейстр Виктор Корчной билан дона суриб, ҳатто уни доғда қолдирган, ўн бир йил давомида мамлакат терма жамоаси сафида медаллар шодасига эга бўлган спорт устаси Эркин Каримов билан суҳбатлашсангиз, ёшликнинг бетакор онлари армонлар билан ўтганини англайсиз.

— Ҳозирги ёшларнинг бахтиям, иқболиям, эртасиям бор, — дейди у хавасланиб. — Юртбошимиз раҳнамолигида болалар спортга кенг йўл очилди. Хар бир мактаб, касб-хунар коллежи ўз спорт зали, ўйингоҳига эга. Турли тўғарақлар, клублар ёшларга мунтазир. Илгари бутун бошли мактабда бор-йўғи биттагина тўп бўларди. Футбол, волейбол, баскетбол ўйнайдиган болалар тўп бўшини кутиб ўти-

ришарди. Шахмат дозаларининг ранги ўчиб, тахталари синиб кетарди. Йўқолган доналар ўрнига гугурт ёки тугма қўйиб олардик. Энди-чи? Биргина туманимизда болалар ва ўсимирлар спорт мактабининг ўзидан учта. Уларда 111 та секция ишлаб турибди. Етмишга яқин мураббий 1200 дан ортиқ шугулланувчига спорт «сир»ларидан сабоқ берапти. Бошланғич синфларнинг 6400, 5, 9-синфларнинг 2600 нафардан ортиқ ўқувчи ёшлари турли машғулотларга қатнамоқда.

Ёшларга кўрсатилаётган беқиёс ғамхўрликлар, яратиб берилётган шарт-шароитлар спортнинг оммаийлигини таъминлашдан ташқари, оилавий сулолалар етишиб чиқишида ҳам муҳим аҳамият касб этаётди. Мустақиллик йилларида Эркинбой ақанинг тўнғич фарзанди Тўлқинжон спорт усталлигига номзодлик шартларини бажарди. Устига устак, қаратэ бўйича қора белбоғ соҳиби ҳам бўлди. Иброҳимжон эса акаси билан бир поғона юқори — спорт устаси, шахмат бўйича рес-



публика олий лигаси иштирокчиси. Оиланинг қолган аъзолари — Исроилжон, Исмоилжон, Адамжон, Мавлуджон, Моҳидилжон, Мавжуджон ва Муҳайёжон ҳам спорт усталлигига номзод. Ва яна Эркинбой ақанинг ўн бир нафар набираси разрядли шахматчилардир.

Доналарни ушлаб қўли, мураккаб юришлар қилиб қўзи қотаётган болакайлар боболари раҳнамолигида ақларини чархлар, зехнларини ўткирлаштиратгани қандай яхши-а?

Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ОМАД КУЛИБ БОҚДИ

Ўзбекистонлик футболчилар 2010 йили Жанубий Африкада бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатида пухта ҳозирлик кўришмоқда. Уларнинг дастлабки қадамлари хайрли бошланди.



Пойтахтимиздаги МХСК стадионидан ўтказилган бешинчи раундда Рауф Инилев шогирдлари Хитой Тайпейи дарвозасига жавобсиз тўққизта (9:0) тўп йўлладилар.


Учрашув футболчиларимиз учун ўқув-йиғин машғулоти ва-зифасини ўтади, десак хато бўлмайди. Шу кунги жамоамиз сардори Максим Шацкиннинг бир ўзи рақиб дарвозасини беш марта ба ниқ нишонга олди ва «флеш»га эришди. Уйин тугагач, Рауф Инилев хаёлидан бекорга харажат тортиб легионер футболчиларимизни тарқибга жалб этдик, деган фикр ўтган бўлса ажабмас. Рақибларимиз — Хитой Тайпейи вакиллари бутун учрашув давомида Игнатий

Нестеров дарвозаси олдида биронтаям хавфли вазиятни юзага келтира олишмади.

Дарвоқе, кунги кеча ўтказилган учрашув ҳар иккала жамоанинг жаҳон чемпионати саралаш доирасида бешинчи хисобланади. Шунингдек, жамоалар бир марта ўртоқлик учрашувидан ҳам майдонга тушишган. Жорий йилнинг май ойида Шарқий Осиёга сафар қилган Рауф Инилев

шогирдлари Хитой Тайпейини деярли иккинчи тартиб билан 1:0 ҳисобида мағлуб эттишганди.

Саралаш мусобақаларида йигитларимиз аксарият ҳолларда осонлик билан ғалабага эришишган. Фақат бир учрашув бундан мустасно. ЖЧ-2006 саралаш учрашувлари доирасида Хитой Тайпейидаги ўйинда вакиллар



римиз жуда қўйинчилик билан уч очко олишганди. Ушундан ўйин тақдирини Леонид Кошелевнинг 59-дақиқада киритган тўпи ҳал қилган эди.

Жамоаларнинг дастлабки учрашуви ҳам футбол ишқибозлари ёдидан кўтарилмаган бўлса керак. 2001 йилнинг 21 апрель кунини Тошкентдаги Марказий «Пахтакор» стадионидан 45 000 томошабин кўз ўнгиде вакилларимиз рақиблари устидан 7:0 ҳисобида зафар кўчишганди.

Кўриниб турибдики, расмий учрашувларда ҳам, ўртоқлик учрашувидан ҳам омад димо биз томонда бўлган. 5 ўйинда 5 ғалаба. Тўплар нисбати 19-1.

Энди 28 октябрь кунини Хитой Тайпейида бўладиган жавоб учрашувидан ҳам шу устунлик сақлаб қолinsa, футболчиларимиз кейинги босқичга йўл олишади.


Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«Сўғдиёна» олий лигада

Жиззахнинг «Сўғдиёна» жамоаси келгуси мавсумни олий лига сафида ўтказди. Йил бошидан бунён ишончи ўйин намойиш этаётган воҳалик футболчилар биринчи лиганинг 33-турида пойтахтнинг «Шайхонтоҳур» жамоасини 3:0 ҳисобида мағлубиятга учратдилар. Ушбу ғалабадан сўнг жиззахликлар ҳисобидаги очколар сони 77 тага етди ва улар муддатидан

олдин олий лига йўланмасига эга бўлишди. Кейинги йўланма учун «ЎзДонЖу» (Андижон), «Цементчи» (Қувасой) ҳамда «НВУ-Осиё» (Тошкент) жамоалари асосий даъвогарлардан ҳисобланишади.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



Рустам ХАЙДАРОВ, «Туркистон-пресс».

«Крокус Газ Сервис» ҚҚ

«Газсервис» ЕАЖ ва «Сигнал» ЭАЖнинг Ўзбекистон ҳудудидagi расмий вақоли бўлиб, турли русум ва катталикдаги қозонларни тақриф этади:

- горелка ўрнатилган, газда ишлайдиган иситиш ва сув иситиш қозонлари (200 кВт ва 400 кВт);
- буғ қозонлари (соатиға 500 кг. дан 4000 кг. га);
- икки йўналишли (каналли) сув иситиш қозонлари (100 кВт ва 200 кВт);
- ерга ўрнатиладиган, иссиқликни алмаштирувчи найсимон қозонлар (7 кВт дан 16 кВт га);
- ерга ўрнатиладиган, иссиқликни алмаштирувчи пластинкасимон қозонлар (20 кВт дан 100 кВт га);
- ерга ўрнатиладиган, иссиқликни алмаштирувчи икки контурли пластинкасимон қозонлар (10 кВт дан 40 кВт га).

Қозонлар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатиға эга. Барча қозонлар учун кафолат — 24 ой.

Қўргазмалар ва сервис марказлари манзиллари:

- Тошкент ш., «Миробод» (собиқ «Госпитал») бозори, саноат моллари қаторидаги 1-дўхон. Тел.: 306-40-39, 133-44-73.
- Тошкент ш., С. Азимов ва «Ўзбекистон овози» кўчалари кесишган жойда (Мўлжал: Шастри хайкали, эски ҳайвонот боғи). Тел./факс: 132-21-22, 176-77-34.

Японияда ўзбек киноси кунлари

Японияда ўзбек киноси кунлари бўлиб ўтди.

Мазкур кинофестиваль Япония маданият агентлиги қошидаги миллий фильм марказида 24 сентябрдан 8 октябрга қадар давом этади. Хафталик «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, Ўзбекистоннинг Япониядаги элчихонаси, «Ўзбеккино» миллий агентлиги ҳамда кунчиқар мамлакатнинг нуфузли телевизион компаниялари билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Икки хафта мобайнида ўзбек киножодкорлари томонидан суратта олинган ўн битта картина намойиш қилинди. Улар орасида режиссёр Шўхрат Аббосовнинг «Тошкент — нон шаҳри», Элёр Эшмухаммедовнинг «Севишганлар», Юсуф Розиковнинг «Воиз», Зулфигор Мусоқовнинг «Ойжон» ва «Абдуллажон» фильмлари япониялик мухлислар томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди.

Маҳоратли режиссёр Камава Камолдони «Йўл бўйсин» бадий-этнографик фильми, Т. Қўзиёв лойиҳаси асосида яратилган «Лангар» ҳужжатли фильм япониялик кинотанқидчилар томонидан юксак баҳоланди.

О. ФАЙЗИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги

ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ

куйдаги мутахассисликлар бўйича аспирантурага қабул эълон қилади:

13.00.01 — Умумий педагогика, педагогика ва таълим тарихи — 2 ўрин.

13.00.02 — Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (фан соҳалари ва таълим босқичлари бўйича) — 2 ўрин.

Ҳужжатлар белгиланган талаблар асосида эълон чоп этилгандан бошлаб 20 кун давомида ҳар кун соат 9.00 дан 18.00 гача ва шанба кун соат 9.00 дан 13.00 гача (яқшанбадан ташқари) қабул қилинади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Шота Руставели кўчаси, 25-уй. Телефонлар: 281-31-48, 281-35-52, 150-16-78.

«ХИМОЯ» ХҲУҚУҚИЙ МАРКАЗИ АДВОКАТЛИК ФИРМАСИ

ТУРЛИ МУРАККАБЛИКДАГИ ХҲУЖАЛИК НИЗОЛАРИ

НИЗО ИШТИРОКЧИЛАРИ ТОМОНИДАН ХАКАМИ САЙЛАШ

НИЗОЛАРИ КИСДА ИВУДАТ ИЧИДА КУТУБ ЧИҚИЛ

КАВАЛТИРИЛГАН СУД ХАРАЖАТЛАРИ

ХИЖАТЛАР ГИЙИ-НИЗОЛАРИ

Тўлов НАТИЖАЛАР БЎЙИЧА

ТОШКЕНТ: (371) 135-11-13, 137-13-43, 175-63-72

БУХОРО: (305) 223-68-85, (305) 223-65-72

НАВОЙИ: (580) 730-99-80, (438) 227-83-44

WWW.HIMOYA.UZ WWW.HIMOYA-SUD.UZ E-mail: HIMOYA@LIST.RU

ОРГАНИЗАЦИЯ ПОКУПАЕТ

МОДУЛЬ «кислородск» типа

Тел. 300-07-34 форма оплаты — любая

GAZ РУСУМЛИ АВТОМОБИЛЛАР

Ўзбекистондаги расмий эксклюзив дистрибьютор AVTODOM PLUS

КРЕДИТ ВА ЛИЗИНГГА

- GAZ-3221, Микроавтобус, 13,15 ўриндиқли
- GAZ-31105, «ВОЛГА»
- GAZ-33023 «Фермер», юк кўтариши — 1,5 тн., 6 ўриндиқли
- GAZ-32214 (4x4) «Тез ёрдам»
- GAZ-3307, 40 та газ баллонлари ташувчи
- GAZ-2705, 7 ўриндиқли металл билан қопланган фургон, юк кўтариши — 1,3 тн., 3 ёки 7 ўриндиқли
- GAZ-3309 Турбодизель юк кўтариши — 4,5 тн., 2 ўриндиқли
- GAZ-3307 Автовакуатор
- GAZ-3302, нон ташийдиган, лоткалар сони — 112 та, 3 ўриндиқли

100015, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., «Шахрисабз» к., 16-«А» уй. Тел./факс: (998-71) 132-16-38, 132-10-35, 132-03-62. Тезкор мулоқот линияси телефонлари: 126-12-94, 126-25-42. E-mail: info@auto.uz web-site: www.auto.uz

ТАШКИЛОТ КЕНГ ТУРДАГИ «GAZ» РУСУМЛИ АВТОМОБИЛЛАРИ ТАҚИФ ЭТАДИ

- «Волга» автомобиллари;
- 6-15 ўриндиқли микроавтобуслар;
- 3-7 ўриндиқли металл билан қопланган (цельнометаллические) фургонлар, юк кўтариши — 0,8 тн.;
- 1,5-4,5 тн. юк кўтаридиган юк машиналари.

ШУНИНГДЕК, МАХСУС ТЕХНИКАЛАРИН ЕТКАЗИБ БЕРИШ УЧУН БЎЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:

ТЕЗ ЁРДАМ МАШИНАЛАРИ: «Волга», «Газель», «Соболь».

ЮК МАШИНАЛАРИ: озик-овқат, саноат моллари ва нон ташийдиган, изотермик, вакуумли ассенизаторлар, автоидроқўтаргичлар, автоустаконалар, бургулаш (бурыль), чикинди ташийдиган, мобил бибордлар, автовакуаторлар, АВТОЦИСТЕРНАЛАР: сут ташийдиган, ёнилиги ташийдиган, самосваллар.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 956. 23333 нухсада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР: Газетхоналар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғоев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Тижорат материали

«Шарқ» нашрий-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 23.15 Тошширилди — 00.35 2 3 4 5 6

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — А. Орпов. Навбатчи муҳаррир — У. Файзиёва. Навбатчи — Ю. Бурунов. Мусаввир — Х. Тошқужаев.